



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун!



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 5-dekabr. Payshanba • 147 (31.737)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 96 105 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 187 970 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 187 970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўйилган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджет-

дан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисоби-га иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 2 декабрь

ЎзХДП: электорат манфаати



Кучли ижтимоий ҲИМОЯ

жисмоний имконияти чекланган кишиларга ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади

ЎзХДП Марказий Кенгаши Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тамойилининг устуворлиги, унинг ҳуқуқий асослари ва ЎзХДП

Дастурида ижтимоий ҳимоя масалалари» мавзусида дав-
ра суҳбати ташкил этди.

Меҳр-мурувватли, эзгуликни кадрловчи халқимиз. Шундан бўлса керак, жисмоний имко-

нияти чекланганларга эътибор кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш устувор ва муҳим масалага айланди. Бу айниқса, аҳолининг ижти-

моий муҳофазасини янада кучайтириш, ногиронларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда инсонийлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида давлат томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли дастурлар, жамоат тузилмаларининг ташаббусларида ўз ифодасини топмоқда.

2

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан

Ёшлар — мамлакатимиз таянчи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларга орден, медал, фахрий унвонлар ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу-нийатларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Юсак мукофотлар Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан топирилди.

Ушбу фармонга мувофиқ бир гуруҳ ёшлар «Ўзбекистон ифтихори» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони, «Дўстлик» ордени, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» ҳамда «Шуҳрат» медаллари билан тақдирланди.

«Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг қарорига биноан 27 нафар йигит-қиз «Ўзбекистон белгиси»

кўкрак нишонини билан мукофотланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таъсис этилган ушбу юсак мукофот ҳар йили ўзининг фидокорона меҳнати, ўқишда, ишда, илм-фан, ижод, маданият ва спорт соҳасида эришаётган улкан ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларга берилди.

Тантанали маросимда «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг касб эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, ўз салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилгани са-

марасида ёшларимиз турли жаҳаларда улкан ютуқларга эришаётганини таъкидлади.

— Айни пайтда Ўзбекистон реклама санъатининг бадиий-эстетик жиҳатларига бағишланган илмий изланишлар устида ишляпман, — дейди С.Мухаммаджонова. — Биз, ёшларнинг ўз истеъдод ва қобилиятимизни хар томонлама намойиш этишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётган, озгина ютуғимиз ҳам муносиб баҳоланиб, юсак кадрланаётган буюк мамлакат фарзанди эканимдан фахрланаман. 2009 йилда Алишер Навоий номидаги давлат стипендиеси, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиеси сазовор бўлган эдим. Энди, мана, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини билан тақдирландим, бу менга улкан масъулият юқлайди ва янги ижодий чўққилар сари ундайди.

Тақдирлаш маросими ёш иж-
рочилар иштирокидаги концерт
дастури билан аяқланди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎзА мухбири.

Инсон ҳуқуқи — олий қадрият

Молиявий-иқтисодий инқироз туфайли жаҳон иқтисодиётида, айтиш мумкин бўлса, тараққиётида ўзига хос мураккаб вазият юзага келди. Шундай оғир, чигал шароитда мамлакатимизда бандлик масаласига жиддий эътибор қаратила бошланди. 2008-2009 йилларда айнан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ дастурлар ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бўлса, 2010 йилдан бошлаб бандлик Дастури парламент даражасида қабул қилинапти.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик па-

Бандлик дастури ижроси

минглаб одамлар, айниқса, ёшларимиз тақдири билан боғлиқ вазифа эканини унутмаслигимиз лозим

латаси 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурини тасдиқлади. Мазкур Дастур, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича келгуси йилга мўлжалланган муҳим режалар ва уларнинг ижроси маса-

лалари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев билан суҳбатлашдик.

3

хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», деб белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан унинг бошқа ҳуқуқлари тўғрисида сўз юри-тиш мумкин эмас.

Жинсий жазоларни янада либераллаштириш мақсадида 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ, 2007 йил 11 июлда «Ўлим жазоси бекор қилиниши муно-

сабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мазмунини биринчи навбатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, одил судлов сифатини оширишга, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ шароитларини яхшилашга, ярашув институти-ни жорий этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Иродаси
мустаҳкам
ёшлар албатта
мақсадига етади



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

аҳолининг эҳтиёжманд қатламини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган қонунлар ҳамда мақсадли давлат дастурлари бажарилиши самарадорлигини ошириш учун курашади.



O'ZBEKISTON OVOZI

— халма-хал фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Бугун ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ташкил этилади.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

Кучли ижтимоий җимоя

жисмоний имконияти чекланган кишиларга ҳаётда
ўз ўрнини топишига кўмаклашади

Азимжон РИХОИБОВ олган суратлар

Тадбирда сўзга чиққанлар дастлаб ана шу масалалар ҳақида тўхталиб, мамлакатимизда кучли ижтимоий җимоя тизимини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратишди.

Хотамжон КЕТМОНОВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши — инсон манфаатини җимоя қилиш, барча фуқаролар муносиб турмуш кечириши учун кенг шaroит яратиш ва пенсионерлар, имконияти чекланган кишилар, ҳам таъминланган оилалар давлат ҳаётида җамият эътиборидан четда қолмаслигини таъминлашдан иборат. Бу жараёнда ЎзХДП иштироки фойда муҳим. Негаки, партияимиз Дастурида аҳолининг ижтимоий җимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шaroитларини яхшилашга катта эътибор берил-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ган. Бу борада қатор лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу эзгу ишлардан бири бўлиб, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Фарида АБДУРАХИМОВА,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши
депутати, Олий Мажлис
Сенати аъзоси:

— Жисмоний имконияти чекланган фуқаролар соғлигини асраш, уларни қўллаб-қувватлаш, иш шaroитида енгиллик яратиш бўйича бугун кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Энг муҳими, бу масалалар қонунчилигимизда ўз аксини топаётган. Хусусан, Меҳнат кодексининг қатор моддалари, янги таҳрирда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий җимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар орқали жис-

моний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий җимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кучли ижтимоий сиёсат тарафдори. Шу боис партияимиз депутатлик гуруҳи ногиронлар, ижтимоий җимояга муҳтож фуқаролар манфаатини җимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар
җамияти раиси:

— Эртанги кун учун қайғурадиган, инсон манфаатини олий қадрият, деб биладиган давлат ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратади. Җамиятнинг соғломлиги эса бир жиҳатдан жисмоний имконияти чекланган инсонларга муносабати билан ҳам белгиланади. Шу боис мамлакатимиз мустақиллигининг илк қунариданқоғ ногиронларни ижтимоий җимоялаш, уларнинг ҳамма қатъори яшashi, таълим олиши ва ишлаши учун зарур шарт-шaroитлар яратилди,

лишларидан келиб чиққан ҳолда истиқболли, деб топишган 30 лойиҳа муаллифи тақлиф этилган бўлса, уларнинг 15 нафари микрокредит учун сертификат олди, қолган 15 нафарига лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича зарур ёрдам кўрсатилди, ҳуқуқий ва молиявий маслаҳатлар берилди.

— Мен бугун ўз ишимни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим, — дейди **Азиз Абдурахмонов**. — Маблағни «Азиз Лаззатли таом» хусусий корхонаси фаолияти учун сарфламоқчиман. Ўз меҳнатим билан оилам фаровонлигига ҳисса қўйишни хоҳлайман.

— Бугунги тадбир барчамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди **Шаҳноза Нурматова**. — Юртимизда нафақат ушбу санада, балки йил давомида бизга чексиз ғамхўрлик кўрсатиб келинади. Бу келажакка ишончимизни оширади. Бугун ўз мустақил ишини бошлаш ҳаракатида юрган тенгдошларимга ҳавас қилиб, келажакда мен ҳам мустақил бизнесимни йўлга қўйишга қарор қилдим.

Давра суҳбатига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бош мутахассиси Қўтлимурод Чуринов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакиллари сўзга чиқиб, жисмоний имконияти чекланган кишиларга берилаётган имтиёзлар, улар ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳақида фикр юритишди.

Бундан ташқари, тадбир давомида кўчма Җамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Депутатлар қабулхонага тушган мурожаатлар ва уларнинг амалий ечими бўйича вазифаларни белгилаб олишди.

Тадбир сўнгига Меҳрибонлик уйлари ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларга дори-дармон ва совғалар топширилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Фуқаролик җамияти барпо
этишнинг ҳуқуқий кафолати

Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашида «Кучли фуқаролик җамияти барпо этишнинг ҳуқуқий кафолати» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоят партия кенгаши аъзолари, туман, шаҳар кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси кафолатланган, — деди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳамов**. — Унинг ҳар бир моддаси, ҳар бир банди ижросини таъминлаш, уларга сўзсиз амал қилиш кучли фуқаролик җамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бунинг учун ҳуқуқий тарбиятни янада кучайтириш, партияимиз электратининг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни изчил олиб боришимиз зарур.

— Қонун устуворлиги ўзбек моделининг биринчи тамойилидир, — деди **халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Аҳмаджон Абдуллаев**. — Шундай экан, Бош Қомусимизда мустақ-

камланган меъёрлар, улар асосида қабул қилинган аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаати билан боғлиқ қонунлар бажарилиши самарадорлигини янада ошириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу борада партия ташкилотлари җамоатчилик, депутатлик гуруҳлари эса вакиллик ҳокимияти назоратини олиб боришда фаол қатнашиши ўзининг юқори натижаларини беради, албатта.

— Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг муҳофама этилаётган масала, қабул қилинаётган қарор ёки бошқа ҳужжатларга сиёсий партия вакили сифатида унинг ғоя ва дастуридан келиб чиққан ҳолда муносабат билдириши амалиётини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман, — деди **ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси**

Ўринбосари Турсунбой Солиев.

— Бу борада депутатларга қонунларимиз билан берилган ҳуқуқ ҳамда ваколатлардан умумий фойдаланиш долзарб масалалардан биридир. Бундан ташқари, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларини электрат билан боғлайдиган механизмларни тобора такомиллаштириб бориш ҳам электратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиши, җамиятда ҳуқуқий маданият юксалиши, пировардида кучли җамият ривожланиб боришида муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари, доимий комиссияларида бўлаётган партиялараро бахс-имомавий ахборот воситаларида кенгроқ ёритиш, бахс-мунозара маданиятини юксалтириш орқали одамларда фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш борасида тақлифлар ўртага ташланди.

Бу каби давра суҳбатлари вилоятнинг барча шаҳар ва туман партия кенгашларида ўтказилмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон қадрини улуғловчи Қомус

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан Каттакўрғон педагогика ва иқтисодиёт касб-хўнаро коллежида ўқувчилар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, юртимизнинг етакчи санъат ва маданият намояндалари иштирокида учрашув ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Каттакўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Бош Қомусимизнинг мамлакатимиз таракқиетидаги ўрни, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини таъминлашдаги аҳамияти, җамиятнинг демократлаштиришдаги роли хусусида фикр юритишди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят раиси Ойриф Хожиев ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Ёшлар Конституцияни чуқур ўрганиши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва зиммасидаги бурчларини яхши билиши ҳаёт ўйида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Юлдуз ҲАМРОЕВА,
Каттакўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-хўнаро коллежи директори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан «Конституция халқимизнинг шайни ва қадр-қимматини улуғловчи Қомусидир» деб номланган тадбир ўтказилди.

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ёшлар вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар Конституциямиз ҳаётга изчил татбиқ этилиши давлат ва җамиятнинг жадал ривожланиши, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.

— Ҳар биримиз, хусусан, ёш авлод Конституцияни чуқур ўрганиши, унинг эзгу ғояларини яхши билиши керак, — деди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Акрам Ҳошимов**. — Бу, ўз навбатида, қонунларга қатъий амал қилиб яшаш қўнқимасини шакллантиради, җамият олдидаги бурчни ағлашга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари Конституциямиздаги ҳар бир меъёр таракқиёт йўлининг муҳим асоси эканига уруғ беришди, җамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида тақлифларни ўртага ташлашди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши
Матбуот хизмати.



Суратда: Танловнинг фаол иштирокчиси,
ЎзХДП аъзоси Фирдавс ШАРИПОВ.

«Парламентаризм
билимдони»танлови ғолиблари
тақдирланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишлаб, ёшлар ўртасида ўтказилган «Парламентаризм билимдони» онлайн танлов-викторинаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йил 7 май куни Қонунчилик палатасининг расмий сайтида «Парламентаризм билимдони – 2013» онлайн кўрик-танлови бошланган эди. Танлов БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмағида ўтказилди.

Танлов давомида ўзбек ва рус тилларида Конституция ва қонунлар, Қонунчилик палатаси ва депутатлар бирлашмаларининг фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида турли йўналишлар бўйича саволлар жойлаштирилди. Уларга берилган жавоблар асосида танлов ғолиблари аниқланди.

Назира МАТЁҚУБОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда жисмоний ва маънавий етук ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Уларни Ватанга садоқат, миллий қадрият ва аънаъларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, чуқур билим олишлари ва касб эгаллаши, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шaroитлар яратилган.

Мазкур танлов ҳам ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимини бойитиш, Конститу-

ция ғояларини кенг тарғиб қилиш, қонунларни қабул қилиш жараёни ва миллий парламентиимиз фаолияти тўғрисида батафсил ҳамда ишончли ахборотларни олишларида кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Танлов иштирокчилари сони ноябрь ойининг охирига келиб қарийб 6 минг нафарга етди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,5 баравар кўп экани ёшларнинг танловга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Махфуза ХОЛИҚОВА,

Андижон вилояти, Ҳўжабод туманидаги
Педагогика коллежи ўқувчиси:

— Ўтган йили танлов ҳақида устозларимдан эшитгандим. Ўзим ҳам мамлакатимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларни интернет ва матбуот орқали қўзғатаман. Ёшларга оид қонун ҳужжатлари билан танишиш мақсадида Қонунчилик палатаси фаолияти билан ҳам танишиб бораман. Мазкур танлов билимимни янада бойитишимга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, депутатлик бирлашмалари фаолияти, хусусан, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари, уларнинг таркиби ва ваколатлари ҳақидаги саволларга жавоб топиш асосида парламентимиз фаолияти билан янада яқинроқ танилишимиз керак. Бу олган билимимни синаб қўриш ва дунёқарашимни кенгайтиришимга яхши имконият бўлди.

Фирдавс ШАРИПОВ,

Фуқаролик җамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят бўлими катта мутахассиси, ЎзХДП фаоли:

— Танлов биринчи навбатда онлайн тарзида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир. Республикаимизнинг ис-талган ҳудудида туриб унда иштирок этиш мумкин. Бу танловнинг қамрови кенгайиб боришини таъминлайди. Натижада берилаётган саволлар орқали аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими ошади, тенгдошларимизда мамлакатимизда кечаяётган жараёнларга дахлдорлик ҳисси кучаяди. Танлов ёшларни иж-

тимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, танлов ёшларнинг ҳуқуқий савияси ва фуқаролик фаоллигини оширишга ёрдам берди. Мамлакатимизда сайловлар ва сайлов тизими, парламент назоратини тартибга соладиган қонунлар юзасидан савол-жавоблар келажакда депутат бўлиши мақсад қилган биз ёшлар учун, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Танлов якунига қўра, Тошкент шаҳридан Анастасия Бородастова биринчи, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ёқутхон Ҳакимова иккинчи, Дилшод Абдуазизов учинчи ўринларни эгаллади. Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, иштирокчиларга қатор давлат ва җамоат ташкилотлари ҳам ўз совғаларини тақдим этди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бандлик дастури ижроси

минглаб одамлар, айниқса, ёшларимиз тақдири билан
боғлиқ вазифа эканини унутмаслигимиз лозим

ЎЗАДП: электротар маффаати

— Аввало, дастурда иш ўринлари ташкил этиш юзасидан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича белгиланган асосий йўналишлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Дастурни ишлаб чиқишда банд бўлмаган аҳоли, айниқса, биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлашга, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талабга алоҳида эътибор қаратилади.

2014 йилда 7 асосий йўналишда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилди.

Хусусан, ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик корхоналарни ривожлантириш орқали 370 мингта, шахсий тадбиркорлик соҳасида 112,6 мингта иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Йирик объектларни ишга тушириш, фаолият қурсатаётган корхоналарни кенгайтириш орқали 59,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши лозим. Бунга сановатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш, турли ҳудудий дастурларни амалга ошириш ҳисобига эришилади.

Маълумки, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли, асосан аёллар, жисмоний имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлашда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда касаначилик, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, бу борада яратилган имтиёз ва афзалликлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Келгуси йил шу соҳаларда банд аҳоли сонини яна 221,3 мингта кўпайиши кўтилган.

Дастурда белгиланган иш ўринлари, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақ-

лаш, қайта ишлаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш, вақтинча тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратилади.

Дастурни шакллантиришда янги иш ўринларига ахтиёж юқори бўлган ҳудудлар алоҳида ҳисобга олинган. Жумладан, шундай 32 ҳудудда келаси йил 145 мингдан кам бўлмаган иш ўрни очилиши назарда тутилган.

— Молиявий-иқтисодий инкироз бўлган дунёда ёшлар бандлигини таъминлаш жараёнида жиддий таъсир этаётгани таъкидланмоқда. Европанинг айрим давлатларида ёшларнинг ишсизлик даражаси 40 фоизгача етаётгани, айниқса, ҳавотирлидир. Шу маънода, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича қандай тадбирлар кўзда тутилди?

— Дарҳақиқат, молиявий-иқтисодий инкироз оқибатлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ривожини, янги иш ўринлари очиб имкониятларини анча чеклаб қўйди. Бундан, аввало, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар жабр кўраётти. Халқро меҳнат ташкилоти ишсиз қолиш ёшларнинг жамиятдан узоклашишига, бу эса ижтимоий норозилик кайфияти авж олишига сабаб бўлишини таъкидлаб, уларни иш билан таъминлаш бўйича тезкор чоралар қўришга қарайоти.

Жаҳонда рўй бераётган шундай оғир вазиятда Президентимиз раҳбарлигида инкирозга қарши қўрилган самарали чоралар натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг бандлик даражаси орту бораётти. Иш

ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури юртимизда амалга оширилаётган ана шу ислохотларнинг ажралмас қисмидир.

2014 йилда касб-ҳунар коллежларининг 500 мингта яқин битирувчиларини иш билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Бу борада дастурда тегишли чоралар кўзда тутилди.

Дастурга банд бўлмаган аҳоли ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга доир чора-тадбирлар юзасидан алоҳида бўлим қиритилди. Унга кўра, битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, уларни амалга оширишда мутасадди вазирликлар, ҳокимликлар ва корхона-ташкilotлар ҳамкорликда иштирок этади.

Бу жараёнда коллеж битирувчиларини ишга қабул қилаётган кичик корхоналар учун белгиланган имтиёزلардан, тўлиқ фойдаланиш, битирувчилар бандлиги бўйича меҳнат қонунчилигига қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ижросини таъминлаш, ўз ишини очиб истагидаги ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Фракциямиз партия дастурий мақсадлари ва электротар маффаатларидан келиб чиққан ҳолда, битирувчи билан тузилган уч томонлама шартноманинг янги-намунавий шаклини тасдиқлаб, амалиётга жорий қилиш, унда, хусусан, коллеж ва иш берувчи корхона раҳбарининг мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

— Бандлик дастури орқали, аввало, иш билан банд бўлмаган фуқаролар, меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштириш мўлжалланган. ЎЗАДП электро-

рати маффаатлари ҳимоясида бу муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, дастур ижросида ЎЗАДП фракциясининг ўрни, таъсири қандай бўлапти? Умуман, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш самардорлигини ошириш учун бундан кейин нималарга эътиборни қўйиш керак, деб ўйлайсиз?

— Дастур қабул қилинишидан олдин унинг лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилиниб, фракция ҳамда кўмиталарнинг ҳулоса ва таклифлари олинапти. Айтиш мумкинки, бу йилги дастур ўтган йиллардагига қараганда такомиллашди.

Дастурнинг ижро қилиниши, унда режалаштирилган иш ўринларининг ўз вақтида очилиши, шу билан бирга, барқарор бўлиши фракциямиз учун принципиал аҳамиятга эга. Чунки бу ўткир ижтимоий масалаларнинг ҳал қилиниши, юртимиз иқтисодиёти янада мустаҳкам бўлиши, энг аҳамиятлиси, минглаб одамлар тақдири билан ҳамбарчас боғлиқ масала.

Фракциямиз ҳар йили парламент ашитувларини ўтказиш орқали дастурнинг ижро механизмни такомиллаштиришга, шу мақсадда тармоқ ва соҳалардаги ҳамма имкониятни ишга солишга ҳаракат қилмоқда.

2014 йилда бандлик дастури ижросида Қонунчилик палатаси билан маҳаллий Кенгашилар депутатлари иштирокини, парламент ва депутатлик нazorатини янада кучайтириш зарур. Бизнинг фикримизча, дастур ижроси ҳар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қўлидаги доимий ишчи комиссиялар йигилишларида танқидий муҳокама қилиниши, камчиликларни жойида ва қисқа муддатда бартараф этиш чоралари қў-

рилиши устидан доимий депутатлик назоратини ўрнатиш керак. Бунда, айниқса, манзилли рўйхатларга қиритилган корхоналарга бино, ер ажратиш, кредитлаш, хомашё таъминоти, коммуникация тармоқларига вақтида улашишга эътиборни қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қабул қилинган дастурлар ижросини ўрганиш жараёнида амин бўлаётганимизки, уларнинг тўлиқ ижро қилиниши анча мураккаб жараён. Бу борада изчил парламент назоратини йўлга қўйиш битта сиёсий партиянинг қўли билан бўлиши осон эмас.

Дастур ижроси билан боғлиқ масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча фракциялар депутатлик гуруҳи ва кўмиталар томонидан ўз йўналишлари бўйича изчил тартибда ўрганилиб, муҳокама қилиб борилиши — долзарб масала. Сабаби, бандлик дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда инвестиция дастурлари билан узвий боғлиқ. Шундай экан, барча дастурлар ижроси бўйича парламент назорати ўзaro уйғун равишда такомиллаштириши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бандлик дастури ижросида депутатлик корпусининг ўрни фақат назорат ўрнатиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Янги иш ўринлари яратишда депутатлар бевосита фаол қатнашиши лозим. Бу ҳақда гап кетганда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва фракцияси томонидан амалга ошириб келинаётган, ҳозиргача 2 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини берган лойиҳалар қўламинан янада кенгайтириш ишларини изчил давом эттиришимиз зарур.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Тўлқин ТўРАХОНОВ
суҳбатлашди.



Ҳавонинг ифлосланиши



ичакка таъсир қилади

Канадалик тадқиқотчилар кўричак ташхиси билан ши-

фоҳоналарга ётқизилган 35 минг бемор ҳолатини ва оғриқ бошланган кундаги атмосфера авзойини таҳлил қилиб, шундай ҳулосага келдилар, дейилади «Аргументы и факты» хафталигида чоп этилган ахборотда, ҳавонинг меъёридан ортиқ бузилиши кўричак билан оғриш ҳолатларини қўчатиради экан.

Олимлар тахмин қилишларича, атмосферида ифлосланиши ичаклар микробиотасини таркиби ўзгаришига олиб келади ва бу шомоллаш жараёнларини ҳам қўчатиради.

Университет олимлари психотерапия билан биргаликда олиб бориладиган янги услубнинг имкониятларини баҳолаш, янги натижалар билан бойитиш мақсадида қайта тажриба ўтказишни тавсия этди.

Тажриба шундан иборатки, дастлабки икки ҳафтада кашандалар мия пўстлогининг маълум қисмига ҳар кун 15 дақиқа давомидо юқори частотали магнит тўлқини жўнатилди. Учинчи ҳафтада эса атиги учта сеанс ўтказилди холос. Ҳар бир сеанс олдин кашандалар «хаваси»ни келтириш учун сигарет тутатилди. Натижа қўтилган самарани бериш: тажрибада иштирок этган кўнгилчиларнинг 44 фоизи 6 ой давомидо умуман чекмаган. 36 фоизи эса чекши одатини бутунлай ташлаган.

Магнит



кашандаликнинг душмани

Кейинги йилнинг бошларидан дунёнинг турли мамлакатларидаги 15 та тиббиёт марказида исроилликлар тажрибаси — кунига 20 та сигаретни бурқситадиган кашандалар миясига магнит импульси таъсири қай даражада самара бериши қайта синовдан ўтказилади, дея хабар беради «Мир новостей» хафталиги.

Гап шундаки, Исроилнинг Бен-Гурион университетининг олимлари 21 ёшдан 70 ёшгача бўлган 115 нафар кашанда ўртасида тиббий муолажалар ўтказдики, эндиликда

Одамларнинг меҳр қуёши

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон давлат консерваториясида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида тадбир ўтказилди. Унда махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий-тиббий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, ёлғиз кексалар ҳамда жисмоний имконияти чекланган инсонлар иштирок этди.

Ижтимоий ҳимоя

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Ақтам Ҳайтов бугунги кунда мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган 100 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқириб, амалиётга татбиқ этиб келинаётгани ҳақида тўхталди. Шунингдек, у ногиронлар бандлигини таъминлашда давлат томонидан кенг қўлланиш ишлар амалга оширилаётганини ҳамда бундай хайрли ишларга нодавлат нотижорат ташкилотларининг хайр қўлиналган ҳам ўзининг ижобий самарасини бераётганини айтиб ўтди.

Мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 10 мингдан ортиқ ногиронларга протез-ортопедия маҳсулотлари, 3 мингта яқин ногиронлар аравачаси, 1,3 мингдан зиёд эшитиш мосламаси бепул тарқатилади.

2013 йилнинг ўтган даврида ногиронларни реабилитация қилиш марказлари ва тиббиёт муассасаларида 15 мингта яқин ногирон реабилитация қилинган. Қолаверса, вазирлик тизимидаги 33 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган 7 минг нафарга яқин ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар давлат томонидан тўлиқ таъминланмоқда. Ушбу тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йил тизимдаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларида 8978,2 мил-



лион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ногиронларга 567 донга ногиронлар аравачаси, 162 донга эшитиш мосламаси ажратилиб, жойлардаги муҳтож ногиронларга етказилди.

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳаёти янада яхшилашга қаратилган янги ижтимоий технологиялар жорий қилинди. Бу алоқадор вазирлик ва ташкилотлар ҳамда ҳокимиятлар билан ҳамкорликда 3,3 мингта реабилитация техник воситаларини, яъни ногиронлар аравачаларини, эшитиш мосламаларини ва ҳасаларини вақтинча фойдаланишга бериш пунктлари ташкил қилиниб, фуқароларга хизмат кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида жорий қилинган «Харакатларга бепул транспорт хизмати кўрсатиш» тизими республикамизнинг яна 190 та туман (шаҳар)ларида ҳам жорий этилиб, бу йўналишда 8 минг ёлғиз кекса, пен-

сионер ва ногиронларга бепул транспорт хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга 4,6 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежи ҳамда Тошкент шаҳар «Мурувват» ногирон болалар 1-ҳамда 2-интернат уйлари тарбияланувчилари тиккан, тўқиган ва ясаган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Байрам якунида ҳамкор ташкилотлар Республикамизда фаолият кўрсатаётган ногиронлар жамиятлари, Нуруний, Республика болалар жамғармалари, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон қасаба уюмлари федерацияси, Қизил Ярим ой жамияти, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ногиронларга ўзларининг дори-дармон ҳамда турли эсдалик совғаларини топширди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда қурилиши режалаштирилган куйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
	ЛОТ 28-9:			
Лот-1	Булунгур тумани, Бешқўтон ҚФЙ Янгиариқ массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	110 462 043 сўм	132 554 452 сўм	5 ой
Лот-2	Булунгур тумани, Ўртабулоқ ҚФЙ Мингтепа массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	95 156 741 сўм	114 188 089 сўм	5 ой
Лот-3	Иштихон тумани, Қорақўйли ҚФЙ Қорақўйли массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	92 870 035 сўм	111 444 041 сўм	5 ой
Лот-4	Нуробод тумани, Улус ҚФЙ Улус массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	95 802 969 сўм	114 963 563 сўм	5 ой
Лот-5	Нуробод тумани, Шўробод МФЙ Янгиқилиқ массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	97 999 095 сўм	117 598 914 сўм	5 ой
Лот-6	Нуробод тумани, Агрон МФЙ Агрон қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	234 665 354 сўм	281 598 425 сўм	5 ой
Лот-7	Самарқанд тумани, Оҳалик ҚФЙ Газчилар массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	123 175 626 сўм	147 810 752 сўм	5 ой
Лот-8	Тайлоқ тумани, Соҳабқобло МФЙ Равот қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	116 602 911 сўм	139 923 493 сўм	5 ой
Лот-9	Ургут тумани, Бешбулоқ ҚФЙ Қинғир МФЙ Чашма гузаридида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	119 295 481 сўм	143 154 577 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.

Телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хараидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарорига асосан қурилиш объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдоридоги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаролатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва му-

тахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўнма-ларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сум-

маси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Телефон: 231-13-51,
факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Соғлом ва баркамол авлод

мамлакатимизда бунёд этилган болалар спорт комплексларида тарбияланмоқда



Болалар спорт

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Республикамиздаги спорт иншоотлари ва таълим масканларини спорт анжумлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечим» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

— 2003-2013 йиллар мобайнида Жамғарма маблаглари ҳисобидан 1488 та болалар спорт объекти, жумладан, 296 та янги спорт комплекси, 934 та спорт зали барпо этилди. Мазкур иншоотларнинг 85 фоизи қишлоқ жойларда қурилди, — дейди халқ таълими вазири ўринбасари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Эркин Искандаров. — Биргина 2013 йилда 117 спорт иншооти, жумладан, 21 янги спорт комплекси, 73 спорт зали ва 23 та мавжуд объектларни реконструкция қилиш белгиланган. Ҳозиргача 85,1 миллиард

сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. — Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт анжумлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Соҳиб Аҳмадов. — Ҳозирда мамлакатимизда элликка яқин замонавий корхоналарда спорт моллари ишлаб чиқарилаётган. Спорт мажмуаларимиз учун зарур бўлган 120 турдаги спорт анжумлари ва ускуналарининг 116 тасини ана шу корхоналаримиз етказиб бераётганлиги эътиборлидир.

Ҳозирги вақтда мавжуд болалар спорт мажмуаларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ тўғрақларда 1807927 нафар бола, жумладан, 703298 нафар қиз бола спорт билан шуғулланмоқда.

Болалар спорт мажмуаларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ тўғрақларда 1807927 нафар бола, жумладан, 703298 нафар қиз бола спорт билан шуғулланмоқда. Айтиш мумкин, болаларга 10118 нафар мураббий сабоқ бериш мумкин. Президентимизнинг қишлоқ спорт объектида банд бўлган аёл мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш тўғрисидаги қарори қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спортга фаол жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. — Тўғри, айтиш мумкин, спортнинг у ёки бу тури билан шу

ғулланаётган ўғил-қизларимизнинг барчаси ҳам Осиё ёки Жаҳон чемпиони бўла олмас, лекин уларнинг соғлом, зарарли иллатлардан холи, иродали инсон бўлиб улғайиши муҳим, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқарма бошлиғи Норбобо Соатов. — Шу йилнинг декабрь ойига қадар айнан болалар спорт мажмуаларида илк сабоқларни олган ёшларимиздан 439 нафари дунёнинг ўттиз тўққиз мамлакатига ўтказилган халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Улардан 325 нафар ёш спортчимизнинг қишлоқ жойларидан эканлиги қўлайлиги билан меҳнатлар самарасидир.

Утган ўн бир ой мобайнида ўғил-қизларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлди. Жумладан, ҳозиргача ёш спортчиларимиз жами 235 та (68 олтин, 67 кумуш ва 100 та бронза) медалга сазовор бўлди.

Матбуот анжуманида Халқ таълими вазирлиги Болалар

Болалар спорт мажмуаларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ тўғрақларда 1807927 нафар бола, жумладан, 703298 нафар қиз бола спорт билан шуғулланмоқда.



спортини ривожлантириш жамғармаси мутасадди бошқарма ва бўлим бошлиқлари эришилган ютуқлар билан биргаликда ечимини қўлайлиги билан меҳнатлар самарасидир.

Утган ўн бир ой мобайнида ўғил-қизларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлди. Жумладан, ҳозиргача ёш спортчиларимиз жами 235 та (68 олтин, 67 кумуш ва 100 та бронза) медалга сазовор бўлди.

Матбуот анжуманида Халқ таълими вазирлиги Болалар

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Мукофотлар
топширилди

Юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавкатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлиги, фидойилиги ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонида биноан бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимлари Давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

Тадбир

Кўп кеча ИИБ Маданият саройида Конституция байрамига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги генерал-лейтенанти Баҳодир Матлубов мукофотларни тантанали равишда топширди.

— Юксак мукофотга сазовор бўлганлигим учун Президентимизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман, — деди тадбирда сўзга чиққан «Соҳиб хиз-

матлари учун» медали соҳиби Жиззах вилояти Фориш тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори Шукрулла Шунқаров. — Юксак ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратимни, билимимни халқимиз осойишталиги йўлида сарфлайман. Байрам тадбирида концерт дастури намойиш этилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Янги «Русча-ўзбекча лугат»

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда «Русча-ўзбекча лугат»нинг янги нашрини чиқарди.

Янги нашр

Икки жилдан иборат мазкур лугат Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида 5000 нусхада чоп этилди ва сотувга чиқарилди.

Ушбу янги нашрда таржимаси совет давридаги коммунистик мафкура нуктаи назаридан берилган кўплаб сўзларнинг, хусусан, ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий, тарихий, иқтисодий терминларнинг маъноси энг сўнгги манбалар-

га таянган, қиёсланган ҳолда ҳолисона изоҳланган. Ҳозирги имло амалиётининг келиб чиққан ҳолда, айрим сўзларнинг ёзилишига аниқликлар киритилган.

Қарийб 60 минг сўз ўрин олган ушбу лугат кенг китобхоналар оммаси, жумладан, таржимонлар, муҳаррирлар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари учун муҳим қўлланма бўлади.

ЎЗА

Мол-мулкингизни асрай десаңгиз...

Ёнғин чиқишининг олдини олиш юзасидан қуйидаги тартиб-қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

— Электр тармоғига бир неча электр асбобини улаш тармоққа оғирлик қилади, бу эса ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

— Электр тармоғига уланган дазмол, плита ва бошқа электр ишлатиш асбобларини ёнмайдиغان ҳамада иссиқлик ўтказмайдиган тагликлар устига қўйиш керак. Электр асбобларини фақатгина катта кишилар тармоққа улаши лозим.

— Электр улагичлар изоляцияси соғлом бўлиши керак. Агар ҳондонингизда электр улагич симлари эскирган, резетка ва патронлар носоз бўлса, тезда электромонтерни чақириб, бу камчиликларни бартараф қилинг.

— Рўзғорда ишлатиладиган кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Уларнинг қўлчилиги тез ёнувчан моддалардир.

— Газ асбобларидан фойдала-

нишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Бу асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахсларни ва болаларни асло яқинлаштирманг.

— Газ плитаси устида қир қуритиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

— Газ сизиб чиқишини текшириш учун очик алангадан фойдаланманг, бу портлашга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда соҳа мутахассисини чақириб мақсадга мувофиқ.

— Суолтирилган газ тўлдирилган

қурилмалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингиз ҳамда атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Ф.ГИЯСОВ,
Р.ТАШМУХАМедов,
Юнусовд туман ИИБ ЁХБ
инспекторлари.



Офатнинг олдини олайлик

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги муҳим объектлардан бири ҳисобланади. Шу боис ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бу ерда жорий этилган тартиб-қоидалар бошқа корхоналар учун ҳам ибратли, деб ҳисоблаймиз.

— муҳандис назоратчилар томонидан берилган барча ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бажарилиши шарт;

— цехлар ва завод ҳудуди ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда тўқилган нефть маҳсулотларидан ўз вақтида тозаланиши лозим;

— заводдаги мавжуд барча сув олгичлар, автоматик ёнғин ўчириш насослари ва ёнғиндан автоматик ра-

— меҳнат муҳофазаси бўйича қоидаларнинг бажарилиши юзасидан ўрнатилган тартибда йўриқномалар ўтказиш, меҳнат шартларини имкон қадар энгиллаштириш ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш чораларини кўриш, бхт-сиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Ёнғин фалокат, офат. Унинг олдини олиш учун хушёр ва эҳтиёткор бўлмоқ зарур.

Соҳиб ОЧИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр тажриба лабораторияси бошлиғи.